

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОК ВА
СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма ҳукукида

Эрназаров Бурхон Умарович

“Донни кайта ишлаб омухта ем тайёрлаш машинаси иш
режимларини асослаш”

Мутахассислик: 5А630104 – “Кишлоқ хужалик маҳсулотларини кайта ишлаш
техникаларидан фойдаланиш ва уларга техник сервис курсатиш”

ДИССЕРТАЦИЯ

«Кишлоқ хужалик маҳсулотларини кайта ишлаш техникаларидан фойдаланиш ва уларга
техник сервис» курсатиш магистри даражасини олиш учун

Диссертация иши «кишлоқ
хужалиги машиналари, фой-
даланиш ва таъмирлаш» кафед-
расида муҳокама килинди ва
химоя қилишга рухсат этилди.
Кафедра мудири _____
доц., т.ф.н. Д.А.Алижанов
«___» _____ 2007 йил

Илмий раҳбар т.ф.н.,
доцент
Юсупов Б. Ю.

«___» _____ 2007й.

Тошкент – 2007

Мундарижа

I. Кириш.....	3
II. Адабиётлар шархи.....	7
III. Тадкикотни бажариш шароити ва услуби.....	36
а) Тадкикотни бажариш шароити	36
б) Тадкикотнинг мақсади ва вазифалари, объектлари.....	37
в) Тадкикот услуби.....	43
IV. Тадкикот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.....	44
V. Хулоса ва тақлифлар.....	59
VI. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	61
VII. Илова.....	66

Суз боши

Республикамиз Президенти И. А. Каримов такидлаганидек, ватанимиз келажаги, ислохатларнинг тақдири ва уларнинг натижалари, халкимизнинг билим даражаси давр талабига ва тарақиётига канчалик мослигига, кандай мутахассислар етказиб бериб, урнимизни эгаллашларига боглиқдир[1].

Хозирги кунда республикамизда фермер хужаликлари сони ортиб борган сари уларнинг кишлок хужаликларидаги салмоги махсулот етиштиришда 70-80% ни ташкил қилмоқда. Бунга республикамиз Президентининг фермер ва деҳкон хужаликларига кенг йул очиб бериши, жойларида ширкат хужаликлари йук қилиниб фермер хужаликларига айлантирилиши, уларга хар томонлама ёрдам берилиши бозор иқтисодиётига утиш шароитида уларнинг хиссалари катта эканлигини таъкидлаб, уларга молиявий ва кишлок хужалик техникалари билан таъминлаш буйича ҳамкорликлар олиб борилмоқда.

Кишлок хужалик махсулотларини ишлаб чиқаришни бир меъёردа усишини таъминлаш - кишлок хужалигини асосий масалаларидан биридир. Республикамизда кундан-кунга фермер ва деҳкон хужаликлари ривожланиб пахтачилик, галлачилик, агросаноат комплексида фан- техника тараққиёти, амалий тажрибалар ютуқларини жорий эта бориб, маълум бир ютуқларни кулга қиритдилар. Пахта, галла ва кишлок хужалиги бошка экинларини етиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда, мамлакатимизнинг мураккаб иқлим шароитига мослашган янги серхосил экин навларини яратишга қаратилган селекция - уруғчилик ишлари яхшиланмоқда, етиштирилган махсулотларининг сифати ва товар хусусияти яхшиланмоқда.

Шу билан бирга Республикамизда фермер ва деҳкон хужаликлари агросаноат тармогининг моддий -техника базасини мустаҳкамлаш, кишлок хужалик экинлари етиштириш технологиясини такомиллаштириш, минерал угит ва химикатлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилиб, жадал ишлар олиб борилмоқда. Хозирги кунда кишлок хужалиги махсулотларини қайта ишлаш, кичик қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, Янги иш

уринларини ташкил этиш, транспорт харажатларини камайитиришга катта эътибор берилмо-да. Бу эса олинган махсулот таннархини камайитиришга Республикамиз аҳолисини узимизда кайта ишлаб олинган озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашга, ортиқчасини кушни давлатларга сотишга имкон яратади. Натижада мамлакатимизга хориж комбайнлари, тракторлари, «Лемкен» компанияси плуглари ва кишлок хужалиги учун зарур булган бошқа турдаги техникаларнинг бир қисми ҳамда кичик кайта ишлаш цехлари, линиялари олиб келинди. Агросаноатнинг моддий-техникаси базасини бундай мустахкамлаш уруғ экиш ва ҳосилини йиғиштириб олиш каби агротехник тадбирларни уз вақтида яъни, экишни -8-10 кун, урим йиғимни эса 20-25 кун ичида тугатиш, йиғиб олинган махсулотга уз вақтида бирламчи ишлов бериш ва саклаш ҳамда кайта ишлаш имконини беради.

Фермер хужаликларида техник воситаларнинг етишмаслиги, улар ишлаб чиқарган махсулотларнинг таннархи, унга сарфларининг купайиб кетишига олиб келмокда. Мавжуд чорвачилик фермер хужаликларининг иш фаолиятини тахлили асосий камчиликларидан бири ҳамма турдаги озукаларига булган танқислик куринди, шунинг учун фермер хужаликларида кичик механизация воситаларини яратиш, жойларда дон махсулотларига ишлов бериб омухта емларни тайёрлаш, иккинчи даражали озука ресурслардан унумли фойдаланиш долзарб муоммоларга айланиб бормокда.

Республикамиз фермер хужаликлари учун альтернатив озука ишлаб чиқариш ҳолатининг тахлилининг курсатишича машинасозлик соҳасида кулай ва ишончли техник воситалар йуклиги жойларда омухта ем тайёрлаш кичик цехларини ташкил қилиш, техника ва технологияларни яратиш йуналишларида тадқиқот ишлари олиб борилаяпти. Амалиёт бу ишларни индустриал асосга қучиришни чорвачилик молларининг ёш категориялари ва турларини ҳисобга олган ҳолда омухта ем озукаларга асосланган ишлаб чиқариш жараёнларини кенг механизациялаштириш автоматизациялаштиришга жиддий эътибор беришни тақоза этмокда.

ТошДАУнинг «кишлоқ хужалиги машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедрасида дон материалларини майдалаш ва аралаштириш техник воситалар яратишда маълум тажриба тупланган. Чорвачилик соҳасига альтернатив озукалар ишлаб чиқаришда улардан мақсадли фойдаланиш мумкин. Техник ечимлар озукалар тайёрлаш жараёнларини механизациялашда муҳим омил ҳисобланади. Бу техник воситаларни чорвачилик соҳасига жорий қилиш анча техник иқтисодий самара олишга, ашёлар энергияларни қамайтиришга, чиқитларнинг атроф, табиий муҳитга зарарли таъсирларининг олдини олишга ёрдам беради.

Озукаларнинг тўйимли моддаларидан туликрок фойдаланиш учун чорва моллари ва паррандаларни озиклантиришдан олдин уларга ишлов берилади.

Аммо, ҳозирги кунда чорва молларининг асосий қисми фермер, деҳқон ва шахсий хужаликларда эканлиги ҳамда уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кичик бўлганлиги сабабли илгариги ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлган чорвачилик фермаларига мослаштирилган технологияни ва техникаларни қўллаш самара бермайди, ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг таннарни катталашиб кетади. Шу сабабли, кичик чорвачилик хужаликлари учун озукаларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш ҳамда бир нечта операцияларни бир машинада амалга ошириш технологияларини қўллаш, мавжуд машина ва жихозларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан ҳисобланилади.

Адабиётлар шархи

Республикамизда фермер хужаликлари сони ортиб борган сари уларнинг кашлок хужалигидаги салмоги махсулот етиштиришда 70-80% ни ташкил килмокда. Бунга республикамиз Президентининг фермер ва дехкон хужаликларига кенг йул очиб бериши, жойларида ширкат хужаликлари йук килиниб фермер хужаликларига айлантирилиши, уларга хар томонлама ёрдам берилиши бозор иктисодиётига утиш шароитида уларнинг хиссалари катта эканлигини таъкидлаб, уларга молиявий ва кишлок хужалик техникалари билан таъминлаш буйича хамкорликлар олиб борилмокда

Фермер хужаликларида техник воситаларнинг етишмаслиги, улар ишлаб чиқарган махсулотларнинг таннархи, унга сарфларининг купайиб кетишига олиб келмокда мавжуд чорвачилик фермер хужаликларининг иш фаолиятини тахлили асосий камчиликларидан бири хамма турдаги озукаларига булган танксилик куринди, шунинг учун фермер хужаликларида кичик механизация воситаларини яратиш, иккинчи даражали ресурслардан унумли фойдаланиш долзарб муоммоларга айланиб бормокда.

И.А.Каримов «Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори», Тошкент 1998 й. [1] асарида Таълим тизимини тубдан куриб чиқиш, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, айникса кишлок хужалигида замонавий технологиялар ва уларда ишлашга кабул ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йулга куйиш лозимлиги хакида гапириб утилади.

Д.Алижанов, Р.Файзуллаев Способ резания лезвием грубостебельных растений. «Механизациянинг хозирги замон муаммолари» Республика илмий-техникавий конференцияси Маърузалар ва тезислар 29-31 октябр, Т.: 2001 й. 22-24 бетларда.

Асарида майдалаш курилмалари ишида дискли тегирмонлар купрок, кенг таркалган [6], уларнинг ривожланишини шартли уч йуналишга булиш мумкинлигини келтирган.

Биринчидан, майдалаш органларига ейилишга чидамлигини ошириш ёки уларни тайёрлаш учун махсус материаллардан фойдаланиш, яъни ишчи органлар юзаларини махкамлаш ёки хар хил каттикликдаги дискларни тайёрлаш йули. Дисклар ишчи зонасига абразив материаллар булакчалари куйилади, улар тишлар хосил килиб, микро киркиш ёрдамида майдаланиш таъминланилади.

Иккинчидан, дезинтегратор ва десмембратор режимларида ишлайдиган дискли тегирмонлар ишлаб чикилмокда Агафанов Ю.В., Князев В.В. Десмембратор. А.С. СССР № 1395359. Публ. 88.05.15., № 18. МКИ⁴ В02С 13/22. УДК 621.926.4. (1) 21 [2;50]. Бундай майдалагичлар ишлаш принципи, авзалликлари ва камчиликлари юкорида келтирилди.

Учинчидан, майдалаш органлари геометрияси хар хил вариацияланади, яъни Алижанов Д.А. узининг катор асарларида уларнинг ишчи юзаларида хар хил пазлар, чикиш арикчалари килиниши тугрисида илмий ишлар олиб борган маълумотларини келтиради [8;10;11;12;13;15;17;18;19], улар жараёнини интенсивлаштиради.

В.А.Бутковский «Технология мукомольного, крупяного и комбикормового производства». М.: Колос, 1981 г., 256 с. китобида майдалаш самарадорлигини ошириш муаммоси билан салохиятли илмий тадқиқот корхоналари ва ун заводлари иш олиб бордилар [12]. Айнан шундай корхоналарда майдалаш жараёнини интенсификациялаш энергия сарфини камайтириш, ишчи кисмлари мустахкамлигини ошириш каби долзарб масалалар турибди. Ташкилий муаммолар ичида фермер хужаликларини компакт майдалагичлар билан таъминлаш кераклигини айтиб утиш керак.

А.Я.Соколов и др. (Технологическое оборудование предприятий по хранения и переработке зерна). 1984 г.[15] китобида кишлок хужалик махсулотларини саклаш ва кайта ишлаш цехларида кулланиладиган курилмаларнинг умумий курунишлари, техник курсаткичлари ва ишлаш тартиблари батафсил келтирилган. Шу билан биргаликда курилмалар кандай жихозланиши ва технологик тизимлар кетма-кетлиги тулик ёритилган.

Птушкина Г.Е. «Технологическое оборудование зерноперерабатывающих предприятий». М.: Колос, 1976 г., 326 с. китобида дон таъсир этиш принципи буйича уларни сифатли уч гуруҳга бўлган: валецли майдалаш машиналари, цилиндрли машиналар ва уриб марказдан кочма ишлайдиган майдалагичлар [18]

В.Орипов, И.Сулаймонов, Э.Умурзоков «кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси», Тошкент-«Мехнат», 1991. [29] китобида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси укув қўлланмасида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар, вазифалар ва уларни амалга ошириш йул йуриқлари тугрисида маълумотлар берилган.

Г.А.Егоров (Технология и оборудование мукомольной, крупяной и комбикормовой промышленности) 1996 г. [31] китобида ун ва омукта ем тайёрлаш корхоналарида қўлланиладиган технологик жихозлар, уларнинг тузилиши, ишлаши таҳлил қилиб унинг ечиш йуллари тугрисида қимматбаҳо маслаҳатлар келтирилган.

Х. Буриев, Р. Жураев, О. Алимов «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш», Тошкент-«Мехнат» 1997.[33] китобида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси укув қўлланмасида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар, вазифалар ва уларни амалга ошириш йул йуриқлари тугрисида маълумотлар берилган.

Р. Хаитов, В. Раджабова, З. Шукуров «донни қайта ишлаш корхоналарининг технологик жихозлари» Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент-2005. [34] китобида донни қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий тавфсилоти, турли хил аралашмалардан тозалаш машиналари, донга сув иссиқлик билан ишлов берадиган машина аппаратлар ҳамда дон, ёрма ва омукта ем маҳсулотларини майдалаш ва уларни йириклиги буйича саралаш, шунингдек

коплаш кадоклаш ускуналарининг вазифалари, ишлаш принципи ва конструкциялари тулик очиб берилган.

Егоров Г. А. Технология и оборудование мукомольной, крупяной и комбикормовой промышленности, М., МГАПП, 1996. китобида ун ва омукта ем тайёрлаш корхоналарида кулланиладиган технологик жихозлар, уларнинг тузилиши, ишлаши тахлил килиб унинг ечиш йуллари тугрисида кимматбахо маслахатлар келтирилган [23].

К.Карибаев, Р.Селялитов, Х.Абдилиев «Технология приготовления корма». Ташкент – 1990г. [32] китобида узларининг кишлок хужалик махсулотларни саклаш ва кайта ишлаш технологияси китобида кишлок хужалик олий укув юртлари агрономия, экономика, бухгалтерия ва агроинженерия иктисослиги талабаларига мулжалланган, ундан шунингдек кишлок хужалиги билан шугулланувчи мутахассислар ва рахбарлар ҳамда махсулотларни кайта ишлаш саноатининг ходимлари ҳам фойдаланиши мумкин.

Е.Д. Ситников, В.А.Качанов Технология мукомольного крупяного и комбикормового производства. М: ВО Агропромиздат. 1989. китобида кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаш цехларида ва консерва заводларда кулланиладиган курилмаларнинг умумий куринишлари, техник курсаткичлари ва ишлаш тартиблари батафсил келтирилган. Шу билан биргаликда курилмалар кандай жихозланиши ва технологик тизимлар кетма-кетлиги тулик ёритилган. [36]

Республикамизда иктисодий ислохатлар изчил амалга оширилаётган хозирги даврда аҳолини озик-овкат махсулотларига булган талабини туларок кондириш ва бу сохадаги таъминотни тубдан яхшилаш энг долзарб масалалардан бири хисобланади. Бу вазифаларни хал этиш, айникса дон махсулотларини саклаш ва кайта ишлашдек мухим вазифага алохида эътибор беришни талаб килинади. Одатда дон махсулотларини етиштириш сер ёгин бахор ва жазирама ёз фаслига

тугри келади. Шу боисдан бу махсулотларни иложи борица нес-нобуд килмасдан йигиб олиш ва кайта ишлашни тугри ташкил этмасдан туриб ахолини дон махсулотлари билан тула таъминлаб булмайди. Дон етиштириш микдори ортиб борган сари уларни саклаш ва кайта ишлаш хам такомиллашмокда, янги замонавий омборхоналар ва кайта ишлаш корхоналари барпо этилмода.

Дон махсулотларини етиштириш, ташиш, саклаш ва кайта ишлаш буйича фан-техника ютукларидан фойдаланиб, илмий асосда ташкил этилса, илгор тажрибаларга таяниб иш курилса дон исрофгарчилиги анча камаяди. Халкаро кишлок хужалиги ташкилотларининг маълумотларига караганда, дунё буйича дон махсулотларининг исроф булиши 6-10 фоиздан ошмайди. Бизда эса хозирги даврда эса бу курсаткич баъзан 15-20 фоизни ташкил этаяпти. Республикамизда бу курсаткични йилига 1-2 фоизга камайтириш мухим вазифалардан хисобланади.

Хозиргача дон етиштириш, ташиш, саклаш ва кайта ишлаш масалалари илмий асосда етарлича урганилмаган. колаверса, бу борадаги фан-техника ва илгор тажриба ютуклари ишлаб чикаришга кенг жорий этилаяпти. Мавжу омборхона ва кайта ишлаш корхоналари об-хаво ва иклим шароитларини хисобга олмаган холда курилган. Эндиликда дон махсулотларини узок муддатга саклаш борасида кимё, физика, биокимё, биотехнология, усимликлар физиологияси, агрокимё, микробиология, усимликшунослик, сабзавотчилик, усимликларни химоя килиш ва бошка бир катор фан ютукларидан унумли фойдаланилмокда. Хозирги замон кишлок хужалик мутахассислари, чорвадорлар, фермерлар дон махсулотларини саклаш ва кайта ишлаш технологияси буйича пухта билимга эга булишлари шарт.

Бу борада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тарақиётида ёрма ва омукта ем саноати олдида юкори самарали ускуналарни куллаш ва илгор технологиядан фойдаланиб, корхоналарнинг техник даражасини оширишдек маъсулиятли вазифа куйилган. Юкори самарали ускуналар билан жихозланган янги ун тортиш, ёрма ва омукта ем заводлари куришнинг кенг куламли дастурларини амалга ошириш, амалда кулланилаётган корхоналарни замонавий ускуналар билан жихозлаш ва мураккаб техника ва технологияни ишлаб чиқаришга тадбик килиш учун замонавий корхоналарни ишлата биладиган юкори малакали мутахассислар керак. Бундай мутахассисларни етиштиришда давлат таълим тизими салмокли ахамият касб этади.

Мамлакатнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган энг асосий талабларидан бири усиб бораётган ёш, баркамол авлодни тегишли йуналишдаги ихтисослик буйича дарслик ва укув амалётлари билан таъминлашдан иборатдир. Иқтисодий муаммоларга бой булган хозирги мураккаб шароитда халк эҳтиёжи учун зарур булган юкори сифатли ун, ёрма ва омукта ем махсулотларини ишлаб чиқаришда янги технологиялар асосида ишлайдиган машина ва ускуналарнинг вазифалари, тузилиши, хамда ишлаш принципи тула биладиган ёшлар, яъни ёш мутахассислар даврнинг долзарб муаммоси булиб колмаслиги учун биз ёшлар ушбу технологияларни чукур тадбик этиб урганишимиз шарт ва лозим.

1998-2000 йиллардаги даврда кишлок хужалигида иқтисодий ислохатларни чукурлаштириш дастурида масаланинг мухитига аграр сохада мамлакат ялпи махсулотининг чорак кисми яратилиши, мамлакат экспорт салохиятида асосий урин эгаллаши такидланган. кишлок хужалигида асосий сохаларининг бирини чорвачилик ташкил килади ва дастурда чорвачилик махсулотларини 2007 йилга гушт етиштиришнинг 40 минг тоннага етказиш,

коракул терини 1000 минг донага етказиш, тухум етиштиришни 900 млн донага етказиш, хар бир согин сигирдан йилига сизишни 3000-4000 кг етказиш вазифалари куйилган. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун биринчи навбатда озука базасини яратиш керакдир. Дастурда хусусий фермалар ва фермер хужаликлари учун экинлар хосилдорлигини хар гектаридан 6-7 т оз. бир. етказиш, оралик озукабоп экинларни 140 минг гектарга майдонини купайтириш, такрорий экинларни 200 минг гектар майдонга экиш режалаштирилган. Омухта ем ишлаб чикаришни 1999 йилдан 2-2.5 млн тоннага етказиш мулжалланган. Сунги йилларда Республикамизда чорвачилик махсулотларни ишлаб чикариш анча камайиб кетди. Тошкент вилоятининг бир катор чорвачилик фермаларининг ҳолатини кузатишлар шуни курсатди, яъни ҳамма чорвачилик фермаларида ҳамма турдаги озикалар етишмаслиги характерлидир.

Натижада бу муаммо чорвачиликдан олинадиган махсулотларнинг ва моллар бош сонининг пасайишига олиб келган. Омухта ем тайёрлаш корхоналарида ингредиентлар етишмаслиги сабабли тулик ишлаб чикариш кувватини ишлата олмаяпти.

Озука тайёрлашда озука етиштиришга ихтисослашган хужаликларнинг йуклиги, хужаликларда етиштирилаётган озукаларнинг талаб даражасига жавоб бермаслиги, омухта ем тайёрлаш корхоналарининг катта ишлаб чикариш кувватига эгалиги, иттифок пайтида шаклланган марказлашган ҳолда омухта ем рецеплари буйича ингредиентлар, оксиген-витаминли кушимчаларнинг четдан олиб келиши ҳозирги кунда Республикамизда келтирилмаётганлигини ҳисобга олиб туман микёсида қачан бир нечта фермер хужаликлари уюшмасида кичик омухта ем тайёрлаш корхоналари ташкил қилишни ҳаёт тақазо қилмоқда.

Дастлаб лойиҳада бир туман микёсида ташкил қилинган фермер хужаликлари ва хужаликлар чорвачилик фермалари учун кичик омухта ем тайёрлаш корхонасини лойиҳаси ва кичик тебранма дон майдалагич ишлаб чиқилди.

Кишлок хужалигида мулкни хусусийлаштириш буйича бир катор ишлар килинмокда, фермер хужаликлари, дехкон хужаликлари, кооператив (ширкат) хужалиги тугрисидаги конунлар мулкдорлар синфини шакллантириши буйича анча кулайликлар тугдирмокда. Шунга чорвачилик махсулотларини етиштиришда асосий кийинчиликлардан бири хамма турдаги озука манбаларининг етишмаслигидир. Фермаларда , фермер хужаликларида озикаларни саклаш курилмалари йуклиги, сенаж ва силос бостириш учун вақтнинг етишмаслиги, шунинг хисобига киш фаслида асосан дагал, илдиз мева ва омухта емни йигиб куймокда. Мавжуд озука етиштиришга ва тайёрлашга ихтисослашган (дагал, серсув ширин ва дон) хужаликларининг ҳолатини ёмонлиги, озика экин майдонлари таркиби фермерларни киш фасли учун дагал, серсув ширин, дон озукалари билан, омухта тайёрлаш корхоналарини дон билан таъминлашга каратилмаганлиги, экинларни парвариш килиш, йигиштириш, транспортировка килиш, саклашга йигиш ишлари техник воситвлар билан яхши таъминланганлиги озика далаларининг махсулдорлиги пастлиги омухта ем тайёрлаш корхоналарининг тулик кувватида ишлашга имконият бермаяпти, бу эса уз навбатида чорвачиликда омухта ем дифициплигини тугдирмокда. Ундан ташкари омухта ем корхоналари учун ингредлар, витаминлар оксид-витаминли кушимчалар хам бошка давлатлардан куйганлиги хам пичан корхоналарини ишлаб чикиш вазифасини куймокда.

Ҳозирги кунда Республикамизда ишлаб турган омухта ем корхоналари иш унумдорлиги кунига 50 ва ундан юкори иш унумдорлигини мулжаллаган ва асосий техник воситалари МДХ давлатларида чикарилади. Биз хам туман микёсида ёки бир неча фермер хужаликлари уюшмаси базасида кичик иш унумдорлигидаги омухта ем тайёрлаш корхонасини ташкил килишни таказо этади. Ҳозирги кунда ишлатиладиган дон майдалагичларда нисбий энергия сарфи юкори ва натижада электр энергия сарфини пасайтириш мақсадида тебранма дон майдалагични ишлаб чикиш режалаштирилган

МДХ давлатларида ишлаб чиқариладиган омухта ем тайёрлаш корхоналари анализи.

Кичик омухта ем тайёрлаш корхоналарини фермада ва бир нечта фермер хужалиги уюшмасида ташкил қилиш ва унда урнатилган жихозлар тулик рационли, рецепт асосида, куп компонентли озика қоришмаларини тайёрлаш, уларни туйимли моддалар билан бажарилиши шарт ва витаминлар минерал қушимчалар. Антибиотиклар билан озикани бойитиш имконини беради. Ундан ташқари маҳаллий озикалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Омухта ем тайёрлаш технологик жараёни умумий қуринишда қуйидаги операцияларни уз ичига олади: хом ашёни олиб қелиш; олдиндан уни бегона қушимчалардан тозалаш ва саклаш; майдалаш; йигиш ва майдаланган дон панционларини меъёрлаб ОВМК ларга узатиш; омухта ем қвинционларини аралаштириш, тайёр махсулотни узатиш.

ОКЦ ва ОЦК типидagi омухта ем агрегатлари жамоа хужалигига, жамоа хужаликлариаро ва сотиб олиниб қелинадиган ОВМК – ларидан ишлаб чиқаришга мулжалланган. Уларни яна майдалагач донлар ва бойитиш компонентлиридин оддий аралаш емлар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Агрегатдан фойдаланиш керакли компонентларини қабул қилиш, бегона қушимчалардан тозалаш, майдалаш, меъёрлаш, аралаштириш ва тайёр махсулотни бериш қаби ишларни механизациялаш имконини беради. ОКЦ-15, ОКЦ-30 агрегатлари асосий детал ва узеллари унификациялаштирилган.

ОКЦ типидagi агрегатни комплектига қиради: озикаларни қабул қилиш тизим ва алохида компонентлардан озика қоришмаларини тайёрлаш (галвирли қабул қилгич, аралаштиргич, қария НКГ-10 магнит қилиниши билан ва қория шнеги);

Дон майдалагич тизими (дон бункерлари секцияси таъминлагич меъёрлагич билан дон мақдалагич КДМ-2 дон майдалагичи ОКЦ-30 дон майдалагич шнеги);

Меъёрлаш, аралаштириш ва тасмали узатиш тизими бошлангич ва охирги бункерлар секцияси, горизонтал ва кия шнеklar, вертикал шнек хажмли меъёрлагичлари билан берилган.

Узокдан диспансион бошқариш, автоматлаштириш ва бошқариш пулти кучли синфи билан, бункер тиркишлари ОКЦ-4 ва ОКЦ-8 омухта ем цехлари жихозлари технологик тизими бир оз бошка позицияда тузилган ва меъёрлаш ва компонентларни аралаштириш бошка принципа бажарилади. ОКЦ типдаги хажимли меъёрлаш ва компонентларни узлуксиз аралаштиргич урнига ОКЦ технологик жараён асосларига урнатилган, биз эса технологик жараённинг сифатли бажарилиш имконини беради.

ОКЦ-4 ва ОКЦ-8 омухта ем тайёрлаш цехлари жихозлари бир хил технологик тизимга эга. ОКЦ-8 да шаклланган майдалаш-аралаштириш блоки ва ОПК-2 озук преслагичи жойлаштирилган.

ДКУ-1.0 майдалагичи. ДКУ-1.0 унверсал майдалагичи донли ва ширали озукаларни туграш, пичанни киркиб янчиш, силос ва куп массани туграш хамда ципи компонентидан тузилган аралашмани тайёрлашдан мулжалланган.

Майдалагич пайвандланган рама тугри камера 11, вентилятор 13, транспортиёр 2, шлюзли затвор 3га эга булган циклон, бункер 4, редуктор 5, кувурлар 7 ва 8 электр жихозлари булган электр двигател 12 дан ташкил топган.

Туграш камераси чуян корпус, ротор. Галвир ва декадан иборат. Майдалагичнинг ротори барча турдаги озукаларни туграшга таъминловчи асосий иш органи хисобланади. У пичоклар учун узига пропорционал жойлаштирилгани учун фрез бор. Ротор ичига роликни подшипникларга урнатилган валга махкамланган.

Майдалагич вентиляторни тугралган озукани галвир ости бункеридан шнекка узатишни таъминлайди. Вентилятор олти парракли пичогини валк парракли подшипникларга урнатилган. Вентиляторнинг кожухи дробилка камерасига бевосита махкамланади.

Транспортиёр ДКУ-1к майдалагичи транспортиёрга ухшаш булиб буларнинг вазифаси бир хилдир.

Пулат металдан пайвандлаш усули билан ясалган пробилканинг циклини кесик конус шаклига эга. Юкори томонидан цилиндрга тескари хаво окими трубопроводда ва тугирланган озукани узатувчи кувир махкамланади. Шкивнинг пастки кисми шлюзли затвор билан фланец воситасида бирлаштирилган булиб, унинг ичида шарикли подшипникка унинг рогтори урнатилган. Пастки томонидан коп ва заслонкаларни махкамлаш учун куришга эга булган пармаланган труба фланц ёрдамида махкамланади.

Сочилувчан озукани майдалаш камерасига узатиш учун мулжалланган бункер тескари хаво окими трубапроводнинг ён томонидаги майдалаш камерасининг юкорисига махкамланади.

Редуктор зарур булган майдвлвш тезлигининг пасайиши ва буровчи моменти транспортиёр ҳамда шлюзли ротор юритмасига узатишни таъминлайди.


Майдалаш транспортиёрининг кувват олиш валидан ишлаётганда электр двигател урнига контрюритиш урнатилади. Машинанинг озукка билан тулдириш бункери заслонкаси ва электр двигател таъминлайдиган тармокка уланган индикатор амперметри ёрдамида ростланади.

ДКУ-1.0 озукка туграш унверсал майдалагичи куйдагича ишлайди. Дон ва туграшга мулжалланган бошка сочилувчан озукалар дробилка бункерига узатилади. Бунда транспортиёр тулатилади. Дон бункердан тугридан тугри камерага узига тушади, галвир оркали галвирнинг ичига утади. Бушликка утади ва вентилятор воситасида циклонга узатилади. Тугралган озукка циклонт оркали узатиб, пастга тулатилади ва бир хил парракда шлюзли затвор оркали пармаланган трубанинг енгларида бирига узатилади, сунгра эса копларга солинади. Озукани туграш даражаси галвирларни алмаштириш билан ростланади(www.rezonanz-npk.ru)[40].

Ун килиб янчиш учун мулжалланган ширали озукка, узун пояли усимликлар ва пичан транспортиёрга узатилади. Бунда галвирлар урнига

туграш камерасига бири доналар урнатилади ва дон солиш бункерининг завважаси берилади. Вентилятор ва шлюзли затвор кулланилади. Озука таъминлаш барабанидан утаётганда зичланади ва туграш камерасининг фрези билан тугралиб бугиз оркали камерага чикарилади.

Икки хил озукани туграш ва озукани аралашмаси тайёрлаш камерасига узатилади. Концентрация килиш озука қабул килиш бункери оркали, ширали озука эса узатиш транспортиёри оркали узатилади.



1-расм. ДКУ-1.0 майдалагичи куруниши

1-рама, 2-транспортёр, шлюзли затвор, 4-бункер, 5-редуктор, 6-циклон, 7-чанг тортиш трубопроводы, 8-тугралган озука, кувури, 9-ампер индикатор, 10-бошқариш шити, 11-тугатиш камераси, 12-электродвигатель, 13-вентилятор, 14-тугатиш фрезалари(болгалар), 15-пичоклар, 16-галвир.

DDM ва DM русумли болгали майдалагичлар. www.subscribe.ru [57].

Улар дон ва бошка омухта ем хом ашёларини майдалашга мулжалланган. DDM майдалагичнинг корпусига таъминлагич урнатилган. Майдалагичга махсулот бериш амали маховик ёрдамида заслонка оркали ростланади. Пайвандланган заслонка махсулотини ишчи зонага йуналтиради. Болгали ротор дисклар урнатилган валдан иборат. Дека холатини роторга нисбатан узгартириб, донни майдалаш самарадорлигини ошириш мумкин. Корпус асосига галвирлар пулат тасмалари билан махкамланган. Пулат тасмалар копкокни лчиш ва ёпиш вақтида автоматик тарзда тортилади ёки бушатилади. Ротор вали муфта билан электродвигател укига боғланган. Майдаланган махсулот майдалагичдан техник ёки пневматик транспорт воситасида чикарилади. Майдалагич корпусида ағдариб очиладиган копкокларнинг мавжудлиги галвир ва болгаларни тезда алмаштиришда имконият яратади.

A1-BD-2M болгали майдалагичи. У дон ва бошка турдаги омухта ем хом ашёларини майдалашга мулжалланган. Машина корпусига укларига олти катор болгалар бултлар билан махкамланган иккита дискдан иборат ротор урнатилган. Диск элентродвигател валига тугридан – тугни уланган. Болга ва галвирлар орасидаги масофа 5 ёки 10 мм ни ташкил килади.

Майдалагич куйидаги тартибда ишлайди. Хом ашё кискко кувур оркали майдалагич таъминлагичига тушади. Магнит тусикдан утган, хом ашё олдинги гардишдаги тешикдан утиб, цилиндирга келиб тушади.

Шамоллатгич кураклари билан хом ашё олттита бир текис окимга булиниб, майдалаш зонасига берилади. Шамоллатгич хосил килаётган хаво окими майдаланган зарраларни элаш самарадорлигини оширади. Ишчи зонада хом ашё болгалар зарби остида ва майдалагич ишчи органларига ишкаланиб тез майдаланади.

Майдалагичга махсулот бениш заслонка оркали амалга оширилади. Майдаланган махсулотлар машинанинг пастки кисмида жойлашган пневматик кабул килиш билан олиб кетилади. Бунинг учун ричак соат

стрегкаси буйлаб охиригача буралади. Магнит булонлари экрндан чекинади ва металломагнит аралашмалар магнит майдони билан ушланмасдан йиггичга тушади.

A1 – DDP болгали майдалагич. Бу машина дуккакли ва кушогил усимлин донлари ва кунжарани майдалашда ишлатилади. Машина йигма корпус, таъминлагич, болгали ротор, галвир, тарамланган юзали декалар ва майдаланган махсулотларни чикариш курилмасидан иборат. Болгали ротор кронштенларга махкамланган шарикли подшипникларга урнатилган. Болгали ротор оралигига халкалар жойлаштирилган дисклар урнатилган валдан иборат. Дисклар айланаси буйлаб, болгалар деб аталувчи тугри бурчакли пулат пластиналар кийдирилган стенженлар жойлашган. Ротор вали эластик муфта восидасида электродвигател билан укма – ук боглангандир.

Роторни тухтатиш ваكتини кискартириш учун валда колодка типигаги тормоз курилмаси урнатилган. Ротор галвирли цилиндр ва ишчи юзаси роторланган декадан иборат булган кузгалмас обечайкада айланади. Галвирлар корпуснинг олд ва орка деворларида жойлашган йуналтирувчиларга урнатилади ва тасмалар оркали котирилади. Декалар копкок укларига шарнирли усулда махкамланган.

Болгали майдалагичда хом ашёни майдалаш куйдаги кетма-кетликда амалга оширилади. Хом ашё майдалагичнинг таъминлагичи устида жойлашган бункердан кабул киска кувири оркали майдалаш зонасига узлуксиз ва бир текис берилишини таъминловчи вибро таъминлагич тарновларига келиб тушади. Берилаётган хом ашё микдори заслонка билан ростланади. A1 – DDP майдалагичи реверсив характерли булиб, хом Аше окимини айланувчи заслонка ёрдамида роторнинг айланиш йуналишига караб, ишчи зонасининг у ёки бу томонига йуналтириш мумкин. Болгаларнинг айланма тезлиги 97 м/с тенг булганида улар тургун радиал холатга келади. Махсулотнинг майдаланиши болга ва доннинг кучли урилиши таъсири натижасида содир булади. Бунда донга болгаларнинг

айланма тезлигига тенг тезлик берилади. Зарб таъсирида майдаланган зарралар деканинг тарамланган юзасига урилиб, яна кушимча тарзда майдаланади ва бу ердан кайтиб яна болгалар таъсири остига утади.

Шундан сунг майдаланган махсулот ротор ва галвирнинг кузгалмас обичайкаси оралигидаги буликни тулдиради ва майдалагичнинг ишчи оргинлари таъсирида ҳамда узаро ишкаланиб майдаланиш жараёни давом этади.


Заррачалар улчами кичрайган сари улар галвир тешикларидан утиб эланаверади. Бунга, болгали роторнинг айланиши натижасида хосил булган хаво окими ҳам ёрдам беради. Майдалагич айлана ва сихаксимон тешикли галвирлар билан жихозланган. Галвир тешикларининг улчами хом ашёнинг физик-механик хоссалари ва талаб килинадиган майдалаш даражасига караб беогиланади. Майдаланган махсулот механикавий ёки пневмотор транспорт воситасида тошилади.

Пневматик усуг билан ташишда керакли булган хаво микдори хонадан машинага таъминлагич деворларидаги тешиклар ва корпус асосидаги тешиклардан берилади. Хаво окими ишчи зонаси ва галвирдан утиб, машинани чангсизлантиради, элаш жараёни осонлаштиради, шу билан бирга, кичик майдалашга ахамиятга эга булган ҳолат, яни галвир тешикларинг тикилиб қолишини олдини олиб, майдалагичнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Пневмотранспортдан фойдаланилганда майдалагич асосига диаметри 200 мм булган махсулот утказгич, хавони суриб олувчи колектордан иборат пневмакабулқилгич урнатилади.

Майдалагичдан фойдаланиш давомида болгаларнинг ротор айланиш йуналиш томонидаги ташки бурчаги емирилади. Реверсив A1 – DDP майдалагичда роторнинг айланиш йуналишини узгартириб, болгаларнинг икки томони баробар емирилиш ҳолатига етгунча фойдаланиш мумкин.

Хом ашё берилишини автоматик равишда ростлаш учун A1 – DDP майдалагичи бошқарув пулти, кучланиш ва кушиш панели, магнитли кушгич,

ростлаш пулти, таъминлагич тусиги билан бугланган ижро механизмлари билан жихозланади.



2-расм. А1 – DDP майдалагичи:

1-таъминлагич; 2- таъминлагич юритмаси; 3-портлашни олдини олиш камераси; 4-хомашё берилишини ростлаш механизми; 5-конвейир; 6-магнитли химоя; 7-пишанг; 8-корпус; 9-зичлагич; 10-галвир декали корпус; 11-тешикча; 12-товуш пасайтиргич; 13-кигич; 14-ротор вали; 15-дисклар; 16-ук; 17-болга; 18-ротор (болгали дисклар)

A1-EUA курилмаси билан жихозланган майдалагичга белгиланган юкламадан бошка микдорида махсулот берилганда заслонканинг ҳолати автоматик тарзда узганиб ҳом ашёни бериш купаяди ёки камаяди. Двигател тасодифан 50% дан ортик юклама билан ишласа, у учади. Майдалагичга ҳом ашё бериш тухтатилганда, таъминлагич заслонкаси юкори ҳолатга келади ва ижро механизмининг кушгичи, релени ишга туширади, электродвигател учурилади, заслонка эса киска кувур тешигини бекитади.

A1 – DMR русумли болгали майдалагичлар. Бу майдалагичлар дуккакли экин донлари, кобикли, бошокли донларни, маккажухори, донли аралашмалар, кунжара, кичик булакли кунжаралар, ут уни кумалокларини майдалашга мулжалланган. A1 – DMR русумли реверсив майдалагичлар унумдорлиги 6., 12 ва 20 т/соат булиб, шунга боглик холда болгали ротор узунлиги элаш юзаси, электродвигател куввати буйича бир-биридан фарк килади.

A1 – DMR – 20 болгали майдалагичи (3-расм) болгали ротор, иккита галвир декали блоклар, пастги галвир, таъминлагич, синч ва электродвигателдан иборат. Болгали ротор (18) марказий кисмига калинлиги 6 мм булган дисклар (15) махкамланган вал (14) дан иборат. Болгаларни ушлаб турадиган ук (16) даги хар икки диск орасига (болгалар орасидаги масофани ростлаш учун калинлиги 3 мм булган) яна иктадан диск жойлаштирилган.

Ротор вали сферик шарикли подшипникларга урнатилган булиб, электродвигател билан каттак муфта ёрдамида укма – ук богланган. Майдалагич корпусида галвир – декали блок (10) урнатилган. Улор юкори галвир ва дека учун йуналтирувчи каркасдан иборат. Галвир-декали блоклар узаро блоклар ва турт звеноли механизм хосил килувчи пишанглар (7) билан богланган. Бу механизм галвир-декали блокларни ишчи ҳолатга келтиради. Галвири ишчи ҳолатида булган галвир-декали блокда дека, таъминлагичдан карама-карши томонидаги декада ҳом ашёни йуналтирувчи кия юза вазифасини бажаради. Битта галвир-декали блокнинг валида электро схемали

реверсив режимга тугриловчи кушиб-ажратгич билан контактоли пшанг махкамланган.

Декаларнинг ишчи холати деб декалардан бирининг кисгич билан галвирларги тегиб турган, карама-карши деканинг эса йуналтирувчи галвирга тегиб турган холатига айтилади.

Пастги галвирнингш камраб олиш бурчаги 240^0 булган тишли тасмадан иборат. Галвирлар иккита пулат тасмадан иборат кисгич билан кисилиб, ишчи холатига келтирилади. Галвирларни йуналтирувчига сикиш учун занжирлан мавжуд.

A1 – DMR-12 ва A1 – DMR- 20 майдалагичларнинг таъминлагичлари хом ашёни ишчи зонага бир текис берилиши, берилаётган хом ашё микдориги ростлаш, метало магнит аралашмаларидан тозалашни таъманлайди. Таъминлагич корпус тасмалари, доимий магнитлар урнатилган барабан, хом ашё микдорини ростлаш курилмаси ва электродвигателлардан иборат. Конвер каркаси бултлар ёрдамида корпуснинг ён деворларига махкамланади. Конверни харакатга келтириш занжирли узатма оркали электродвигател оркали амалга оширилади. Урнатилган тусикка иккита хом ашё бериш тешиги мавжуд. Хом ашё микдорини иккинчи тусик ростлайди. Магнитлар ёрдамида ушланиб колган метало магнит аралашмалар конвер остидаги тагликка тушади ва корпус орка деворидаги копкокдан чикарилади. Майдалагич корпуси (8), юкори тогмонидан узаро махкамланган иккита девордан иборат. Корпуснинг пастги кисми хам узаро боғланган девордан иборат булиб, бункер (21) ни пневма кабул килгичга боғлаш учун фланесга эга. Майдалагич корпуснинг асоси (22) кавшарланган курилмадан иборат булиб, майдалагичнинг асосий кисимларини урнатиш ва котириш учун хизмат килади. Синч ва асос бултлар билан котирилган булиб, виброизолятор (23) га урнатилган.

A1 – DMR – 6 майдалагичи тузилиши билан A1 – DMR – 12 ва A1 – DMR- 20 майдалагичларидан тaминлагичининг айрим конструктив бугинлари, дека холатини узгартириш механизмлари билан фарк килади.

A1 – DJL кунжара майдалагичи. A1 – DJL кунжара майдалагичи пресланган холда келтриладиган кунжара, гушт-суяк уни брикетлари ва бошка компонентларни дастлабки майдалаш учун ишлатилади. Майдалагич корпус, ротор ва колосник панжараси каби асосий кисмлардан ташкиол топган (www.nsp.mksat.net)[37]. Корпуснинг ён деворлари ичидан пулат химоя кобиги (5) билан копллнган (1-расм). Панжаралар корпуснинг ён деворидаги уюкларга махкамланади. Панжаралар орасига оралик меъёрлаш мосламалари (19) урнатилган булиб, улар улчамини узгартириб, панжаралар орасидаги масофани 15 дан 40 мм гача, одатда 25 мм гача узгартириш мумкин. Тугри бурчанли киркимга эга булган ушлагич (14) метал аралашмаларни ушлаб колиш учун хизмат килади. Ук (10) га осилган дека (9) хом ашёнинг дастлабни майдалаш учун хизмат килади. У иккита пружина (8) га таянади. Майдалагични аспиратциялаш учун корхонанинг аспиратцион тармогига уланган киска кувур (12) мавжуд. Роликли сферик подшипникларга таянадиган ротор болгалар (18) га эга.

Болгали майдалагичларнинг технологик самарадорлиги.

Болгачали майдалагичлар ишининг самарадорлигини болгачаларнинг шакли, улчами, массаси, ейилишга чидамлилиги, уларнинг айланма тезлиги, болгалар билан галвир юзаси орасидаги масофа, галвир тешикларининг улчами ва шакли, болгаларнинг ротор дисклари орасида жойлашуви ва уларнинг сони, майдаланаётган даражаси, ишлаб чикариш куввати ва энергия сарфи таъсир курсатади.

